

THE IMPORTANCE OF THINKING IN THE COMPLEX PROCESS OF INDIVIDUAL ACTIVITY

Toshboltaev Salohiddin Hamidullaevich

Chairman of Zarkent Farm, Toshloq district, Fergana region,

Toshboltaeva Nodira Ibrohimjonovna

On physical culture and sports

retraining and

Skills Development Institute

Teacher of Fergana branch

Annotation: The development of thinking is always a matter of urgency. Complex cognitive process thinking is necessary for the development of a person's activities. Through cognitive activity, a person seeks a way out of difficult situations. He approaches the issue with a different creative approach.

Keywords: Thinking, consciousness, perception, problem situation, intellectual competence, personal activity, psychological interpretation, perfect man, education.

ШАХС ФАОЛИЯТИДА МУРАККАБ БИЛИШ ЖАРАЁНИ ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошболтаев Салоҳиддин Ҳамидуллаев

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Заркент МФЙ раиси,

Тошболтаева Нодира Иброҳимжоновна

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича

мутахассисларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш институти

Фарғона филиали ўқитувчиси

Калит сўзлар: тафаккур, онг, идрок, муаммоли вазият, интеллектуал салоҳият, шахс фаолияти, психологик талқин, комил инсон, тарбия.

Аннотация: тафаккур тараққиёти масаласи доимо долзарб ҳисобланади. Мураккаб билиш жараёни тафаккур тараққиёти шахс фаолиятида зарур. Инсон билиш фаолияти орқали мураккаб муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлини излаб топади. Масалага турлича ижодий ёндошиш билан қарайди.

Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур ҳамда турли муносабатларни, ҳолатларни, вазиятларни тўғри идрок этишга тайёр бўлган интеллектуал ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Психолог П.П. Блонскийнинг фикрича, тафаккур тараққий қилиб бориши натижасида ўсмирлар маълум кунун ва қоида асосида ақлий меҳнат қилишга одатланидилар. Натижада ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатлари ва интеллектуал фаолиятларини назорат қилишга ўрганидилар. Уларнинг ўз-ўзини назорат қилиши тўрт босқичда таркиб топади. Биринчи босқич ўз-ўзини назорат қилишнинг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Иккинчи босқичда ўқувчи материални сидирғасига такрорлаш асосида ўз фикр юритиш фаолиятини текширади. Шунинг учун бу босқич ўз-ўзини тўлиқ назорат қилиш босқичи дейилади. Учинчи босқич “танлаб назорат қилиш босқичи” деб юритилиб, унда ўқувчи материалнинг асосий қисмини идрок қила олишини текширган бўлади. Тўртинчи босқичда унда ўз-ўзини назорат қилиш функцияси яна йўқолади, фақат натижаларни бир

неча асосий ва муҳим белгиларига қараб мулоҳаза юритиши кўзга ташланади.(Ғозиев. Таф/р п-яси. Т., 1990. Б-147)

Ҳар томонлама баркамол, комил инсонни тарбиялаш ҳозирги кунимизнинг энг зарурий масаласидир. Тарихий тажрибалар ва авлодлар давомийлиги янги авлод тарбияси учун қимматлидир. Ўз халқига, урф-одатларига, она тилига ва маданиятига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурматни тарбияламай туриб ўз юртининг ватанпарварини, ҳақиқий инсонни тарбиялаб бўлмайди ва, шунингдек дунё миллатлари ҳамжамиятида тенгҳуқуқли халқни тарбиялаб бўлмайди. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг амалга оширилиши, ёшларнинг руҳий ва маънавий фазилатларини ривожлантириш, миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш, умуминсоний кадриятларни юксалтириш ва ҳоказо.

Авлоний ўз байтларида таълим ва тарбия бирлиги ғоясини тарғиб қиладик, бу нарса бизнинг кунларимизда ҳам ғоят долзарбдир:

«Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткир.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан, замир ўлур бенур».

Тушунчалар ўртасидаги боғланишларни муносабатларни, ички боғланишларни назарий жихатдан фикр юритиш йўли билан изохлаш каби жараёнларни назарий тафаккур ёрдамида амалга ошириш мумкин. Воқеликни ўзлаштириш воситаси билан реал нарса ва ходисаларни яратишга йўналтирилган фикр юритишни амалий ва назарий вазифаларни янги усуллар билан хал қилиш, онгимизда янги тасаввур тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш муайян янги нарсалар яратиш билан боғлиқ мураккаб тафаккур жараёнидир. Ўқувчиларда назарий тафаккурнинг таркиб топишига математика масалаларини ечиш, грамматик категорияларни ўзлаштириш ва мураккаб чизмалар билан таништириш каби ҳоллар муҳим роль ўйнайди.

Ақл дейди Авлоний инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидир. «Инсон ақли ва сўзи билан хайвонлардан айрилади. Инсон ақл ва идрок соясида ўзига келадиган зарар ва юзулмдан сақланур. Ер юзидаги хайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсоннинг ақлидир. Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир. Агар ақлнинг қўли нафсингни жиловласа, инсонни ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса баҳоси арзон бўлур; ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур»¹.

Ўқиш фаолияти энг аввал ўқитувчи раҳбарлигида ва ўқувчиларнинг фаол иштироки натижасида ўқувчиларнинг билим, иқтидор ва малакалар эгаллаш жараёнидир. Ўқитувчи болаларга билим бера бориб, уларга иқтидор ва малакаларни сингдира бориб ўқувчиларни фикрлашга ва кузатишга, ўз фикрини ва тушунчаларни ифода қилишга ўргатади.

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: Ўқитувчи. 1999, 1-ж, б 47